

Методик қўлланма

Умумий

талабалар сўрови –

таълим сифатини оширишнинг
муҳим омили (Буюк Британия
тажрибаси мисолида)



NSS
National Student Survey

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА
ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ТАДҚИҚОТЛАРИ МАРКАЗИ

УМУММИЛЛИЙ ТАЛАБАЛАР СЎРОВИ — ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ (БУЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА)

Методик қўлланма



ТОШКЕНТ
“ҲЕТАКЧИ НАШРИОТИ”
2024

УЎК: 378.046(072)(075)

КБК: 74.58я7

И – 70

Иброҳимов, Фирдавс

Умуммиллий талабалар сўрови — таълим сифатини оширишнинг муҳим омили (Буюк Британия тажрибаси мисолида) [Матн]: методик қўлланма / Ф.Иброҳимов, С.Маматқулов. – Т.: "Yetakchi nashriyoti", 2024. – 28 б.

ISBN 978-9910-9632-4-7

Мазкур методик қўлланма олий таълим сифатини кафолатлаш учун талабалар фикрини ўрганиш бўйича Буюк Британия тажрибаси ҳақида маълумотларни ўз ичига олади. Унда Б.Британияда кенг миқёсда ўтказиб келинаётган Умуммиллий талабалар сўрови (NSS)нинг мазмуни ва ижтимоий аҳамияти, шунингдек, унинг таркибий тuzилиши ҳамда олий таълим сифатини оширишдаги ўрни борасидаги таҳлилий маълумотлар ўрин олган.

Қўлланмадан олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлар, таълим сифатини назорат қилишга масъул бўлим бошлиқлари, профессор-ўқитувчилар ҳамда олий таълим соҳасига оид илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчилар фойдаланишлари мумкин.

Таҳрир ҳайъати:

Ш.Якубов, И.Зокиров, А.Амонов, Т.Ахмедов,
М.Хайитов, С.Мусамедов, А.Сабриев

УЎК: 378.046(072)(075)

КБК: 74.58я7

Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2023 йил 25 сентябрдаги 5-сонли раёсат мажлиси баёни ҳамда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг 2023 йил 29 сентябрдаги 438-сонли буйруғи асосида нашрга тавсия этилди.

ISBN 978-9910-9632-4-7

© Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари маркази, 2024 й.

КИРИШ

Олий таълимда сифатни кафолатлаш таълим хизматларини узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо этади. Мазкур жараёнда таълим хизматлари сифатини баҳолаш ва унда эътибор бериш керак бўлган жиҳатларни аниқлаш муҳим саналиб, бунда таълим хизматларининг асосий фойдаланувчиси — талабанинг фикри, баҳоси ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Ҳар ҳолда таълим сифатини унинг истеъмоличиси нуқтаи назаридан баҳолаш ва сифат кафолатини мижозларнинг қониқиш даражасини ошириш орқали таъминлаш ҳозирги замоннинг энг муҳим тенденцияларидан бирига айланди. Албатта, таълим сифатини фақат истеъмолчи нуқтаи назаридан тушуниш масалага бир томонлама ёндашишдан бошқа нарса эмас. Чунки истеъмоличининг баҳоси доим ҳам объектив асосга эга бўлмаслиги мумкин. Айниқса, гап нафақат шахсий ўсиш воситаси, балки ижтимоий аҳамиятга эга бўлган стратегик соҳа — олий таълим ҳақида кетаётган бўлса. Шундай бўлса-да, олий таълим сифатини унинг бевосита фойдаланувчиси нуқтаи назаридан баҳолаш ва таълим хизматларини унинг кутишларига мослаштириш таълим сифатини кафолатлашга қаратилган комплекс фаолиятнинг муҳим қисми сифатида зарур аҳамият касб этади. Чунки талаба олий таълимнинг тўғридан-тўғри иштирокчиси ва асосий манфаатдор томони ҳисобланади.

Ана шу мантиқий ёндашувдан келиб чиқиб, дунёнинг ривожланган мамлакатларида талабалар фикри асосида олий таълимни модернизация қилиш муҳим тенденция сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада Буюк Британияда йўлга қўйилган амалиёт — Умуммиллий талабалар сўрови (NSS) ва мазкур тадқиқот натижаларининг йиллик ҳисоботи, маълумотларнинг лига жадвали кўринишида эълон қилиб борилиши мамлакатдаги олий таълим сифатини оширишда муҳим роль ўйнаб келмоқда. Худди шундай умуммиллий талабалар сўровини жорий этиш мамлакатимиз олий таълим сектори учун ҳам ноёб тажриба бўлиши мумкин, чунки у тизимнинг кучли ва заиф томонлари ҳақида қимматли маълумотларни тақдим этади ҳамда олий таълим сифатини такомиллаштириш йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Қўлингиздаги методик қўлланма ҳам талабалар овозининг олий таълим сифатини таъминлашдаги аҳамиятини Б.Британия тажрибаси мисолида тушунтиришга қаратилган. Қўлланмадан ўрин олган Умуммиллий талабалар сўрови (NSS) нинг саволлар анкетаси олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган таълим сифатини назорат қилиш бўлимлари учун таълим сифатини талабалар нуқтаи назаридан ички баҳолаш амалиётида методик қўлланма бўлиши мумкин.

УМУММИЛЛИЙ ТАЛАБАЛАР СЎРОВИ (NATIONAL STUDENT SURVEY — NSS): МАЗМУНИ ВА ЎТКАЗИЛИШ ТАРТИБИ

Умуммиллий талабалар сўровномаси (National Student Survey — NSS) Буюк Британияда 2005 йилдан бери ҳар йили январь — апрель ойларида ўтказиб келинади. Сўровномада Англия, Уэльс, Шимолий Ирландия ва Шотландиядаги давлат бюджети томонидан молиялаштирилган барча олий таълим муассасалари иштирок этади.

Умуммиллий талабалар сўровномасида ҳар йили қарийб ярим миллион талабалар қатнашадилар. Сўровнома олийгоҳлар, коллежлар ва талабалар уюшмалари фаолиятининг ижобий ва салбий томонларини аниқлашга, сўровнома натижалари асосида таълим сифатини оширишга ёрдам берадиган тадқиқот ҳисобланади. Ушбу тадқиқот сўровнома шаклида бўлиб, кўпчилик талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини акс эттиради.

Умуммиллий талабалар сўровномаси Талабалар офиси (Office for Students — OfS) нодавлат ташкилоти буюртмасига асосан халқаро тадқиқот компанияси Ипсос Мори (Ipsos MORI) томонидан ўтказилади. Сўровнома Буюк Британиянинг ваколатли органлари — Англиядаги Олий таълимни молиялаштириш кенгаши (Higher Education Funding Council of England), Уэльсдаги Олий таълимни молиялаштириш кенгаши (Higher Education Funding Council for Wales), Шимолий Ирландиянинг Иқтисодиёт Департаменти (Department for Economy Northern Ireland) ҳамда Шотландия молиялаштириш кенгаши (Scottish Funding Council) томонидан молиялаштирилади.

Сўровноманинг якуний натижаларини текшириш жараёнида натижаларга таъсир қилиш ҳолати аниқланса, NSS маълумотларининг шаффофлиги шубҳа остида қолади. Бу ҳолатда Буюк Британиянинг ваколатли органлари билан ҳамкорликда Талабалар Офиси ўша йили тегишли олийгоҳ ёки коллеж учун NSS натижаларини эълон қилмайди.

Умуммиллий талабалар сўровномасида иштирок этиш ихтиёрийдир. Агар талаба иштирок этишни истамаса, Ипсос Мориға мурожаат қилиб сўровномада иштирок этишдан воз кечиши мумкин.

ofs
office for students

Ipsos
Ipsos MORI

NSS куйидаги тўртта асосий мақсадга кўра ўтказилади:



Бўлажак талабаларга қандай йўналишда ва қаерда ўқишни танлашда фойдали қарор қабул қилиш учун керакли маълумотлар тақдим этиш



Талабаларнинг олийгоҳлар ва коллежлардаги ўқиш шароитларини яхшилашга ёрдам бериш учун сўровнома натижаларидан фойдаланиш




Буюк Британия олий таълим тизимида сифат кафолатига кўмак бериш



Буюк Британия олий таълими ҳақида жамоатчиликнинг маълумот олиш механизмларини такомиллаштириш


Сўровнома куйидаги талабларни ўз ичига олади:



Ҳар бир талабага ўз фикрини эркин билдириши учун тенг имконият берилади.



Талабаларнинг жавобларига олийгоҳлар ёки коллежлар таъсир кўрсатмаслиги, улар ўз тажрибалари ҳақида ўзларининг самимий фикр-мулоҳазаларини бемалол айтишлари мумкин бўлади.



Талабалардан сўровномани тўлдириш сўралмаслиги ва бундан ташқари, талабалар ўзларининг жавоблари назорат қилинаётганини ҳис қилмаслиги лозим.




Талабалар сўровномани тўлдиришга мажбурланмаслиги лозим.

Сўровнома икки турдаги саволлардан иборат:

Асосий саволлар

Талабаларга ўз олийгоҳлари ёки коллежлари фаолияти ҳақида ижобий ёки салбий баҳо бериш имконияти берилади. Саволлар ихтиёрий бўлиб, изоҳнинг максимал чегараси 4000 белгидан иборат бўлиши лозим.



Ихтиёрий саволлар

Ушбу қўшимча саволлар фақат асосий анкета онлайн тарзда тўлдирилгандан сўнг берилади. Талаба ушбу саволларни тўлдиришга мажбур эмас. Ихтиёрий жавоблар фақат тегишли университет ёки коллежларга берилади ва оммага ошқор этилмайди.




Ipsos MORI сўровномани қуйидаги йўллар билан тарғиб қилади:



ижтимоий тармоқлар орқали

кампус атрофида плакатларни жойлаштириш орқали



сўровномада қатнашиш учун талабалар электрон почта манзилига хабар жўнатиш орқали

маърузалар орқали NSS ҳақида маълумот беришга ўқитувчиларни жалб қилиш




NSS ҳақида маълумот тарқатиш учун талабалар кенгаши, уюшмаси ва вакилларини жалб қилиш

NSS да талабалар иштирокини рағбатлантириш учун совринли ўйинлар ёки мусобақаларни ташкил этиш



Фан ҳамда курс доирасида NSS ни тарғиб қилишнинг ҳам бир қанча усуллари мавжуд, жумладан:



Университет ва коллежлар қуйидаги ҳолларда NSS сўровномасида иштирок этишлари шарт:



Буюк Британияда талабалар офиси томонидан рўйхатдан ўтган ва тартибга солинадиган барча олий таълим муассасалари ва коллежлари доимий рўйхатга олиш шартларининг бир қисми сифатида NSS да иштирок этишлари керак.



Шимолий Ирландияда сўровномада иштирок этиш олийгоҳлар ва Иқтисодиёт Департаменти ўртаисдаги молиявий меморандумларда кўрсатилган молиялаштириш шarti ҳисобланади. Шимолий Ирландиядаги коллежлар сифат кафолати бўйича қайта кўриб чиқилган операцион модель талабларига жавоб бериш учун NSS да иштирок этиш.



Шотландияда сўровномада иштирок этиш Шотландия молиялаштириш кенгаши томонидан олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг асосий шarti ҳисобланади.



Шотландияда сўровномада иштирок этиш Шотландия молиялаштириш кенгаши томонидан олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг асосий шarti ҳисобланади.

Ипсос Мори талабаларни сўровномада иштирок этишга таклиф қилиш учун дастлаб электрон почта орқали боғланади (агар жавоб бўлма-са, телефон орқали боғланади). Ушбу электрон почта хабарида сўров-номанинг электрон линки берилади. Сўровномада бевосита веб-сайт орқали ҳам иштирок этиш мумкин.

Талабалар сўровномада қатнашиш ҳуқуқига эга эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун шахсий маълумотларини текшириши сўралади. NSS почта қутисига шахсий маълумотларни электрон почта орқали юбориш таъқиқланган бўлиб индивидуал маълумотлар фақат университет ёки коллеж NSS алоқа воситалари орқали пароль билан ҳимояланган NSS Extranet веб-сайти орқали узатилиши керак.


Талабалар ҳақидаги маълумотлар Талабалар Офиси ваколати остидаги олийгоҳ ёки коллеж томонидан ҳамда Буюк Британиянинг молия-лаштириш ва тартибга солиш органлари номидан Ипсос Морига тақдим этилади. Ипсос Мори шахсий маълумотлардан фақат сўровнома ўтказиш учун фойдаланади. Сўровнома яқунлангач, талабаларнинг барча маълумотлари Ипсос Мори электрон тизимларидан ўчириб ташланади.

Ушбу сўровномада бир йилдан кам бўлмаган муддатда таҳсил оладиган таълим дастурлари тингловчилари, кундузги ва сиртқи таълим шаклида таълим олаётган охириги босқич талабалари қатнашади. Талабалар қуйидаги асосий мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради:



дарс бериш сифати бўйича

талабаларга ўқиш учун яратилган шароитлар бўйича



талабалар билимини баҳолаш бўйича



профессор-ўқитувчилардан академик ёрдам олиш бўйича



таълим ташкилотининг бошқарув самарадорлиги бўйича



ўқув ресурсларидан унумли фойдаланиш бўйича



таълим даргоҳларида талабалар фикри инobatта олиниши бўйича



сўз эркинлиги (фақат Англиядаги талабалар учун) бўйича



умумий қониқиш (фақат Шимолий Ирландия, Шотландия ва Уэльсдаги талабалардан сўралади) бўйича



Бундан ташқари, ҳамширалик иши ва акушерлик каби тиббиётга доир йўналишлар бўйича ўқиётган талабаларга қўшимча (амалиётга жойлашиши ҳақида) саволлар берилиши мумкин.

Фақат NSS белгиланган чегараларга мос келадиган маълумотлар (яъни камида 10 та талаба ёки умумий фикр билдирувчиларнинг 50 фоизи ўхшаш фикрга эга бўлса) Талабалар Офиси веб-сайтида эълон қилинади. Талабалар орасида маълум бир коллеж ёки олийгоҳ учун сўровнома ўтказиш пайтида сўровнома натижалари NSS белгиланган чегараларга мос келмаса, ўша изоҳлар коллеж ёки олийгоҳнинг сифат кўрсаткичига таъсир кўрсатмайди. Барча натижалар Texuna Technologies МЧЖ томонидан тақдим этилган тарқатиш портали орқали ҳар бир олийгоҳ ва коллежларга етказилади.

Натижаларни нашр қилиш қоидаларига (камида 10 та талаба ёки умумий фикр билдирувчиларнинг 50 фоизи ўхшаш фикрга эга бўлса) барча олийгоҳлар ва коллежлар риюя қилиши керак. Ушбу қоидаларга амал қилмаган ҳамда сўровномада паст кўрсаткичга эга натижалар оммага эълон қилинмайди.

Натижаларнинг жавоб даражаси ва талабалар сони қанчалик юқори бўлса, олийгоҳ ва коллеж ҳақидаги маълумотлар ишончлилиги шунчалик юқори бўлади.

Агар олийгоҳ ёки коллеж талабаларнинг NSSдаги жавобларига таъсир кўрсатишга уринса, талабалар бу ҳақда NSSallegations@officefor-students.org.uk манзилига электрон почта орқали мурожаат қилиши мумкин.

NSS натижалари Талабалар Офиси томонидан бошқариладиган Буюк Британиядаги Ўқитиш сифатини баҳолаш дастурида (TEF — Teaching Excellence Framework) фойдаланилади. Teaching Excellence Framework (TEF) Буюк Британия университетларида таълим сифатини баҳолаш учун бир қатор кўрсаткичлардан фойдаланади. Битирувчи курс талабаларининг университетдаги тажрибаси ҳақида фикр-мулоҳазаларини тўплайдиган Умуммиллий талабалар сўрови (NSS)дан ташқари, TEF бошқа омилларни ҳам ҳисобга олади, масалан:

Талабаларни сақлаб қолиш даражаси

Битирувчининг ишга жойлашиш натижалари

Ўқишни тугатгандан сўнг кейинги ўқиш ёки ишга жойлашадиган талабалар улуши

Таълим ресурслари ва таълим муҳити сифати


Ўқитиш ва баҳолаш усулларининг самарадорлиги

Талабаларга бериладиган ёрдам даражаси, жумладан, академик ва пасторал ёрдам

Маълумот ўрнида: TEFда учта рейтинг тоифаси мавжуд: бронза, кумуш ва олтин. Улар юқори даражадаги сифат даражасини ифодалайди. Етарли даражада сифат талабларига жавоб бермаган олийгоҳ ва коллежлар “яхшиланишни талаб қилади” тоифасини олишлари мумкин.

TEF рейтинглари:

- **Олтин:** Олийгоҳ жуда яхши таълим беради ва энг юқори сифатга эга.
- **Кумуш:** Олийгоҳ юқори сифатли ўқитишни таъминлайди ва таълим сифати миллий назоратдан ошиб кетади.
- **Бронза:** Олийгоҳ миллий сифат назорати талабларига жавоб берадиган даражада таълим беради.
- **Вақтинчалик:** Олийгоҳ TEFда иштирок этмоқда, аммо натижалар ҳали баҳоланмаган.



TEF рейтингда бронза, кумуш, олтин даражасига сазовор бўлган олий таълим муассасалари кейинги 3 йил давомида талабалар учун тўловларни ҳукумат белгиланган тартибда ошириш имконига эга бўлади. Уч йилдан сўнг TEF навбатдаги рейтингини эълон қилади. TEF тўлови чегаралари фақат давлатга тегишли олий таълим муассасаларига нисба-

тан қўлланилади. Хусусий олийгоҳлар бундай чекловлардан мустасно. Масалан, 2023 йилда Англиядаги давлат олий таълим муассасалари учун белгиланган шартнома тўловлари куйидагича бўлди:

	Асосий тўлов миқдори (£) 2023-24 ўқув йили учун		Юқори тўлов миқдори (£) 2023-2024 ўқув йили учун	
	TEF мукофотига эга бўлмаган провайдерлар	TEF мукофоти-га эга провайдерлар	TEF мукофотига эга бўлмаган провайдерлар	TEF мукофотига эга провайдерлар
Кундузги таълим талабалари	6000	6,165	9000	9250
Сиртқи таълим талабалари	4500	4,625	6 750	6935

(Чекловлар фақат Англиядаги олий таълим муассасаларига тааллуқли бўлиб, ушбу маълумотлар Талабалар офисининг куйидаги расмий сайтдан олинган: <https://www.officeforstudents.org.uk/advice-and-guidance/promoting-equal-opportunities/access-and-participation-plans/fee-limits/>).

Барча TEF рейтинглари оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинади. Рейтинг натижалари куйидаги кўрсаткичларга ёрдам беради:

- талабаларни ўқитиш сифатига эътибор қаратиш;
- бўлажак талабаларга танлов қилишлари учун маълумот бериш;
- олийгоҳлар ва коллежларни келажакда ўз рейтингини сақлаб қолиш ёки яхшилаш учун рағбатлантириш.

Камида 500 нафар ёки ундан ортиқ бакалавриат босқичида таҳсил олаётган талабалар ва мувофиқлик мезонларига жавоб берадиган барча университет ҳамда коллежлар TEFда иштирок этишлари керак. TEFда иштирок этиш Англиядаги барча давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари учун мажбурий бўлиб, унинг натижалари давлатга қарашли олий таълим муассасаларини молиялаштиришга таъсир қилади. Шунингдек, Шотландия, Уэльс ва Шимолий Ирландиядаги олий таълим муассасалари ва коллежлари TEFда қатнашиш ёки қатнашмасликларини танлашлари мумкин.

NSS методологияси. Талабалар миллий сўровномаси университетлар ва коллежлар ўртасида таққосланишни таъминлаш учун стандартлаштирилган методологиядан фойдаланади. Сўров онлайн тарзда ўтказилади ва Буюк Британиядаги барча бакалавриатнинг охириги курс

талабалари учун очиқ. Сўровнома 27 та саволдан иборат бўлиб, улар “Мутлақо розиман”дан тортиб “Мутлақо рози эмасман”гача бўлган беш балли Ликерт шкаласига кўра баҳоланади. Сўровда ўқувчиларга батафсилроқ фикр билдириш имконини берувчи очиқ саволлар ҳам мавжуд. Сўров натижалари ҳар йили чоп этилади ва университетлар ва коллежлар томонидан такомиллаштирилиши лозим бўлган йўналишларни аниқлаш ва талабалар тажрибасини ошириш учун фойдаланилади.

Сўнги 3 йил давомида NSS сўровномасида фаол иштирок этган талабалар сони куйидагича:

Йиллар	2020	2021	2022
Рўйхатдаги талабалар сони	454565	482043	472895
Сўровномада қатнашганлар сони	310014	330200	324329
Қатнашиш фоизи	68.2 %	68.5 %	68.6 %

NSSга нисбатан танқидий ёндашувлар: мижознинг қониқиши таълим сифатининг ягона ўлчови эмас

Сўнги бир неча ўн йилликлардаги бир қатор тенденциялар олий таълим талабасини истеъмолчи ёки мижоз сифатида тавсифлаш одатий ҳолга айланишига олиб келди. Ушбу тенденциялар, хусусан, куйидагиларни ўз ичига олади:

- аҳолининг кўпчилиги ҳаёти давомида ҳеч бўлмаганда бир марта олий таълим тажрибасига эга бўлишга интилиши натижасида олий таълимнинг оммавийлашуви;
- олий таълим бериш харажатларининг тобора талабанинг зиммасига ўтказилиши;
- олий таълим сифатини кафолатлашда кўпроқ талаба тажрибасига эътиборни кучайтириш;
- олий таълим берувчилар, хусусан, университетлар ва коллежлар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши.

Ушбу тенденциялар қатор мамлакатларда турли вақтларда юзага келиб, аввалроқ Қўшма Штатлар ва Канадага, кейинроқ эса Буюк Британия ва Австралия каби мамлакатларга таъсир кўрсатди. Олий таълим харажатларининг катта қисмини қоплаш масъулиятини талаба зиммасига ўтказиш кўпгина Европа тизимларида ҳали амалга оширилмаган.

Талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини тўплаш ва нашр этиш ҳозирги вақтда сифатни таъминлаш ва яхшилашнинг кўплаб жараёнларида асосий элемент бўлиб хизмат қилади. Шу боисдан ҳам Буюк Британия

тизими ушбу намунага мос келиши ажабланарли эмас. Талабалар узоқ вақтдан бери олий таълимнинг асосий манфаатдор томонлари сифатида эътироф этилган бўлса-да, уларнинг тажрибалари бўйича ўз овозлари энди университетлар ва ҳукуматлар томонидан янада аниқроқ эшитилмоқда.



Кўплаб тадқиқотчиларнинг фикрича, Умуммиллий талабалар сўрови Британия олий таълим муассасаларидаги таълим сифатини ўлчайдиган асосий восита бўлиб, университетларнинг таълим сифатини меҳнат бозорига кўрсатувчи муҳим механизмдир. Ушбу механизм бозор талабларига мос малакага эга кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бу Британия олий таълимнинг жаҳон миқёсида рақобатбардош бўлиши ҳамда юқори даражали имижини сақлаб келишида муҳим омил бўлганини инкор этиб бўлмайди.

Таълим сифатини кафолатлашда мижознинг қониқишини асосий мезон қилиб олиш қатор ижобий натижаларга олиб келган бўлса ҳам, ушбу ёндашув ҳамда ундан келиб чиқувчи амалиётга эҳтиёткорона ёндашмоқ керак. Айниқса, гап бу борадаги Буюк Британиянинг ўзига хос шарт-шароитларидан келиб чиққан тажрибасини ўзлаштириш ҳақида кетаётган бўлса.

Қолаверса, Б.Британиянинг ўзида ҳам ушбу амалиётга нисбатан танқидий қарашлар узоқ вақтдан бери турли оммавий ахборот воситаларида янграб келмоқда. Масалан, илк бор сўровнома жорий этилган вақтда Sheffield Hallam университети Тадқиқот ва баҳолаш маркази директори, профессор Ли Харви Буюк Британиянинг “Times Higher Educational Supplement” журналида синовдан ўтказилаётган Умуммиллий талабалар



сўровини “қиммат ва маъносиз машқ” сифатида қоралаган мактубини нашр этган эди. Мактубда талабаларнинг фикр-мулоҳазаларини тўплашнинг аниқ мақсади зарурлигига ва ушбу миллий сўров маҳаллий, институционал сифатни яхшилаш жараёни учун олиб келадиган хавф-хатарларга эътибор қаратди. Унинг асосий эътирози ушбу сўровноманинг ўнлаб миллион фунт стерлинг миқдордаги харажатларни талаб этиши, олий таълим муассасаларининг ўз-ўзини мустақил ички баҳолаш механизмини издан чиқариши, саволларнинг таълим сифатига ҳам, бўлажак талабалар танловига ҳам ҳеч қандай ижобий таъсир кўрсата олмаслиги, беш балли Ликерт жавоблар шкаласининг (*Тўлиқ қўшиламан | Қўшиламан | Бир нарса дея олмайман | Унча қўшилмайман | Умуман қўшилмайман*) мужмаллиги ҳақида эди. Ли Харви бутун мамлакат миқёсида ўтказиладиган бундай умуммиллий сўров ўрнига олий таълим муассасаларининг ички сўровлари таълим сифатини оширишда кўпроқ фойдали бўлишини таъкидлади.

Умуммиллий талабалар сўрови жорий этилгандан ҳозирги вақтга қадар нафақат олимлар, балки баъзи университетларнинг талабалар уюшмалари томонидан ҳам кескин танқид остига олиниб келинмоқда. Жумладан, Оксфорд университети Талабалар иттифоқи 2022 йилда NSSга қарши уч йиллик бойкотни давом эттиришларини эълон қилди. Талабалар иттифоқи шундай баёнот билан чиқди: “NSS университетларни бир-бирига қарама-қарши қўяди ва талабаларни пассив истеъмомчиларга ай-

лантиради. Бу таълим сифатига путур етказади, чунки у университетларни маркетингга пул сарфлашга ёки талабаларнинг қониқишини қоғозда ошириш учун бошқа тезкор тузатишларга ундайди, холос”. Сўровнинг дастлабки йилларида ҳам Оксфорд, Кембриж ва Уорвикдаги талабалар касабани уюшмалари бу лойиҳага қарши чиққан эди. Бунга юқорида номи тилга олинган университетлар керакли 50% жавоб даражаси чегарасига эриша олмагани учун дастлабки сўров натижаларидан четлаштирилгани сабаб бўлди.



Энг кўп эълон қилинган бойкот Кембриж университети Талабалар иттифоқи томонидан амалга оширилган бўлиб, у томонидан NSS “ҳукумат пулларини беҳуда сарфлаш” ва “Кембриж тажрибасига алоқаси йўқ лойиҳа” сифатида танқид қилинди. Шунингдек, Талабалар иттифоқи Ipsos MORI томонидан талабалар билан боғланиш учун қилинган такрорий уринишларга қарши чиқди. Буни талабаларнинг ҳақ-ҳуқуқларини бузиш ва уларнинг асабига тегиш деб баҳолади.

Баъзи университетлар (масалан, Кингстон университети) сўровда ижобий жавоблар бериш орқали рейтингларда ўз мавқеини сунъий яхшилаш учун талабаларга таъсир ўтказгани ҳақида маълумотлар ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра ўқитувчилар ўз талабаларига Кингстон университетига яхши балл қўйиши кераклигини айтган, чунки “агар Кингстон пастроқ рейтингга эга бўлса, ҳеч ким сизни ишга олишни хоҳламайди, чунки улар сизнинг даражангизни мақсадга мувофиқ эмас, деб ўйлашди”¹. Айбловларни текширгандан сўнг Англиядаги Олий Таълимни молиялаштириш кенгаши (HEFCE) Кингстон университетининг Психология бўлимини 2008-2009 ўқув йилидаги Лига жадвалларидан олиб ташлашни буюрди.

Охириги тадқиқотлар шуни кўрсатдики, талабаларнинг этник келиб чиқиши ҳам натижаларга таъсир қилиши мумкин. Таҳлилларга кўра, сўровда иштирок этган бошқа этник гуруҳга мансуб талабалар таълим

¹ Бу ҳақда батафсил <https://www.theguardian.com/education/2009/may/19/national-student-survey-university-guide> ҳаволаси орқали танишишингиз мумкин.

сифатидан камроқ қониқиш ҳис этишади. Бу сўров натижаларининг холис эканлигини шубҳа остига қўйиши мумкин.

2017 йилда Teaching Excellence Framework (TEF) дастури ишга тушиб, унда NSS балларини асосий кўрсаткич сифатида ишлатиш таклифлари эълон қилингандан сўнг кўплаб талабалар касаба уюшмалари, шу жумладан, Миллий талабалар иттифоқи TEFга қаршилигини кўрсатиш учун NSSни бойкот қилиш учун овоз беришди. Бунга сабаб TEF рейтингдаги олтин, кумуш ва бронза даражалари уни қўлга киритган олий таълим муассасаларига таълим тўловларини ошириш учун яхшигина дастак бўлиши эди.

Умуман олганда, NSSга нисбатан танқидий қарашларни умумлаштирганда қуйидаги омиллар тилга олинади:

1. Умуммиллий талабалар сўрови таълим сифатини фақат миждоз ёки истеъмолчининг қониқиш даражасига боғлаб қўяди. Унинг саволлар тўпламида ўта истеъмолчилик ёндашуви яққол сезилиб туради ва бундай ёндашув аксарият ҳолларда педагогикани четлаб ўтади. Бу талабанинг қониқиши ҳисобига унинг масъулият ва мажбуриятларни ҳис этмаслигига олиб келиши мумкин.

2. Бутун мамлакат миқёсида стандартлаштирилган мезонларга таянган ҳамда иштирок этиш мажбурий қилиб белгиланган (давлат олий таълим муассасалари учун) умуммиллий миқёсдаги бундай сўров олий-



гоҳларнинг таълим сифатини оширишга қаратилган ўзига хос сиёсати ҳамда академик эркинлигига зарар етказиши мумкин. Ўз навбатида, бу ҳар бир олийгоҳнинг ўзига хос ички шароитлари ҳамда имкониятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган таълим сифатини ошириш концепциясидан четлаштириб, фақат мижозларнинг талабларига мослашиш учун кўп маблағ сарфлашга ундайди.

3. Умуммиллий талабалар сўровининг асосий мақсади — таълим сифатини ошириш йўлидаги муаммоларни аниқлашдан четлашиб, кўпроқ маркетинг воситасига айланиб қолган. Бу олий таълим муассасалари ўртасидаги кескин табақаланишни кучайтириб юбориши мумкин.

Асосий муаммо шундаки, кўпчилик таъкидлаганидек, NSS маълумотларини таълим сифатининг муҳим кўрсаткичи сифатида кўриб бўлмайди.

Дарҳақиқат, талабаларга осонроқ топшириқлар ва юқори баҳолар берилса талабаларнинг қониқиш даражаси юқори бўлиши ҳақида эмпирик далиллар мавжуд. Ўқитиш сифатини ўлчаш учун NSSга таяниш, озуқа таркибини баҳолаш учун истеъмолчиларнинг танловидан фойдаланишга ўхшайди.

Юқорида келтирилган танқидий фикрлар ва қаршиликларга қарамасдан, Б.Британиядаги Умуммиллий талабалар сўрови олий таълим сифатини кафолатлашнинг ўзига хос механизми сифатида кўпроқ шуҳрат қозонди. Талабанинг манфаатдор томонлар орасида марказий ўринга қўйиш олий таълим муассасаларини талабалар билан ҳисоблашишга мажбур қилди. Агар Британия тажрибасига хос ушбу амалиёт олий таълимнинг барча манфаатдор томонлари эҳтиёж ва талабларини ҳисобга олган ҳолда, турли методологиялар билан уйғунликда қўлланилса, ҳар қандай мамлакат олий таълим тизими учун таълим сифатини кафолатлашнинг намунали модели бўлиши мумкин.



NSS СЎРОВ АНКЕТАСИ

Жавоблар шкаласи: *Тўлиқ қўшиламан | Қўшиламан | Бир нарса чеёлмайман | Унча қўшилмайман | Умуман қўшилмайман | Билмайман*

Мен ўрганаётган фанда ўқитиш:

1. Ўқитувчилар мавзуни яхши тушунтиради.
2. Ўқитувчилар дарсни қизиқарли ўтади.
3. Фан талабаларни фикрлашга ундайдиган тарзда ўтилади.
4. Фан дастури мени ўз устимда ишлаб, энг яхши ишимни яратишга ундайди.

Таълим олиш имкониятлари:

1. Фан дастури менга соҳа доирасидаги ғоялар ва қарашлар билан чуқур танишиш имкониятини тақдим этди.
2. Фан дастури турли мавзуларга оид ғоя ва ахборотларни бир-бирига мантиқий боғлаш имкониятини тақдим этди.
3. Фан дастури менга ўрганганларимни амалда қўллаш имкониятларини тақдим этди.

Оғзаки ва ёзма баҳолаш:

1. Баҳолаш критериялари олдиндан аниқ маълум қилинган эди.
2. Баҳолаш адолатли бўлди.
3. Ишларим ўз вақтида оғзаки баҳоланди.
4. Ишларимга оид фойдали изоҳ ола олдим.

Талабаларни қўллаб қувватлаш:

1. Зарурият пайдо бўлганда тегишли ходимларга боғлана олдим.
2. Фан дастури доирасида етарлича тавсия ва йўриқлар олдим.
3. Фан дастури доирасида ўқиш-ўрганишга оид қарор қабул қилишим керак бўлганда фойдали маслаҳатлар ола олдим.

Ташкилот ва бошқарув:

1. Фан дастури яхши ишлаб чиқилган ва равон ўтилади.
2. Дарс жадвали қулай.
3. Фан дастури ва ўқитишдаги ўзгаришлардан ўз вақтида хабардор қилиндик.

Ўқув манбалари/ресурслари:

1. Тақдим қилинган ахборот технологиялари манбалари ва қулайликлари ўқишим мобайнида менга ёрдам берди.
2. Кутубхонадаги адабиётлар (китоблар, онлайн хизматлар, ўқув заллари) таълим олиш жараёнида менга ёрдам берди
3. Мен фан дастурига хос бўлган манбалардан (асбоб-ускуна, қулайликлар, дастурий таъминот ва коллекциялар) зарурият туғилганида фойдалана олдим.

Жамоатчилик:

1. Мен ўзимни талабалар ва ходимлар жамоасининг бир қисми сифатида ҳис қиламан.
2. Фан дастури доирасида бошқа талабалар билан ишлаш имкониятлари берилди.

Талабалар овози:

1. Менга фан дастурига оид мулоҳазаларимни баён қилиш имконияти берилди.
2. Ходимлар талабаларнинг қарашлари ва мулоҳазаларига эътибор берадилар.
3. Талабаларнинг фан дастурига оид мулоҳазалари инobatга олинганини сезиш қийин эмас.
4. Талабалар уюшмаси талабаларнинг академик манфаат ва қизиқишларини самарали акс эттиришга қодир.
5. Умуман олганда, фан дастури сифатидан қониқаман.
6. Тажрибангизга таяниб сиз урғу бермоқчи бўлган ижобий ёки салбий томонлари борми? (_____)

Амалиётга доир саволлар

Амалиётга талабаларни юбориш:

1. Амалиётга кетишимдан олдин етарли миқдорда тайёрловчи ахборотлар берилди.
2. Мен соҳамга алоқадор амалиётга юборилдим.
3. Мени амалиёт мобайнида керакли раҳбар ва унинг маслаҳатлари билан таъминлашди.
4. Амалиёт мобайнида соҳам доирасида керакли амалий кўникмаларни ривожлантириш имконияти тақдим этилди.
5. Амалиёт мобайнида мен қўшган ҳисса жамоа томонидан етарлича қадрланди.

6. Амалиёт раҳбарим амалиёт фан дастури талабларига қай даражада алоқадор эканлигини яхши тушунарди.

Маркетинг саволлари

Сиз ушбу сўровномадан қандай хабардор бўлдингиз?

1. Онлайн реклама ҳаволаси орқали.
2. Университет расмий сайтидаги ҳавола орқали.
3. Талабалар уюшмаси расмий сайтидаги ҳавола орқали.
4. Тарқатма материаллар орқали.
5. Плакатлар орқали.
6. Хат орқали.
7. E-mail орқали.
8. Талабалар журналидаги мақола орқали.
9. СМС орқали.
10. Дўстим орқали.
11. Устозим/университет ходимлари орқали.
12. Талабалар уюшмаси тадбирлари орқали.
13. QR коди орқали.
14. Moodle сайти орқали
15. Бошқа (илтимос ёзинг) _____

Ихтиёрий саволлар тўплами

Б1. Шахсий ривожланиш:

1. Фан дастури менда ўзимга бўлган ишончни кучайтирди.
2. Мендаги мулоқот кўникмалари яхшиланди.
3. Фан дастури менга ўзимдаги нотаниш масалаларни ечишга бўлган ишончни кучайтирди.

Б2. Талабалар уюшмаси:

1. Талабалар уюшмаси мендаги университетга дахлдорлик ҳиссига ижобий таъсир ўтказди.
2. Талабалар уюшмаси маҳаллаларга ижобий таъсир кўрсатди.
3. Талабалар уюшмаси фойдали кўникмалар шакллантиришимга ёрдам берди.

Б3. Карьера:

1. Ушбу фан дастури сабабли карьерам яхшироқ бўлишига ишонаман.
2. Карьера ва касб танлашга оид яхши маслаҳатлар берилди.

3. Ўқишни давом эттиришга оид яхши маслаҳатлар берилди.

Б4. Фан дастурлари мазмуни ва структураси:

1. Барча мажбурий модуллар соҳамга мос.
2. Соҳам доирасида мос курсларни танлаб ўқиш имконияти мавжуд.
3. Соҳам доирасидаги модуллар бир-бирига боғлиқ ва тизимлашган характерга эга.

Б5. Ишга жойлашув:

1. Сиз таҳсил олаётган ўқув дастури ишга жойлаштиришни қамраб оладими?

- а) Ҳа (Ушбу бўлимдаги барча саволларга жавоб беринг).
- б) Йўқ (Ушбу бўлимни бўш қолдиринг).

1. Ишга жойлашувим борасида муассаса менга зарурий маслаҳатлар берди ва етарлича қўллаб-қувватлади.
2. Ишим таълим олишимга ёрдам беради.
3. Ишим соҳамга алоқадор кўникмаларни шакллантиришимда ёрдам берди.
4. Ишим ҳаётий кўникмаларни ривожлантиришимда ёрдам берди.
5. Соҳамга оид олган таълим иш жойимда ёрдам берди.

Б6. Ижтимоий имкониятлар:

1. Менда бошқа талабалар билан мулоқот қилишга кўп имкониятлар бўлди.
2. Мен талабалар клублари ва жамоалари фаолиятдан қониқаман.
3. Мен мавжуд ижтимоий ва кўнгилочар тадбирлар фаолиятдан қониқаман.

Б7. Фан дастурининг тақдим этилиши:

1. Соҳамга оид ўқув адабиётлари билимимни оширди.
2. Амалга татбиқ этилган педагогик методикалар ўрганишимда ёрдам берди.
3. Фан дастурлари рағбатлантиришга асосланиб ўқитилди.
4. Мен таҳсил олган модуллар замонавий тадқиқотларни ҳам қамраб оларди.
5. Фан дастури доирасидаги амалий машғулотлар ўқиш-ўрганишда ёрдам берди.

Б8. Муҳит:

1. Дарс пайтида хавфсизлик қоидаларига қониқарли амал қилинади.
2. Муассаса ўқиш-ўрганишга монанд муҳитни шакллантира олган.

Б9. Ижтимоий ёрдам ва қулайликлар:

1. Эҳтиёжларимга яраша ижтимоий ёрдам ва талабларга нисбатан хизматлар мавжуд.
2. Зарурият туғилганида талабаларга хизмат кўрсатиш ва ижтимоий ёрдам маркази менга ёрдам берган.

Б10. Юкломалар:

1. Фан дастурлари юкломалари имконият даражасида
2. Фан дастури талабаларга ортиқча босим бўлиб хизмат қилмайди.
3. Фан дастуридаги юкломалар миқдори имкониятимни инobatга олиб тузилган.
4. Менга ўрганишим лозим бўлган нарсаларни тушуниб олишим учун етарлича вақт берилади.

Б11. Баҳолаш:

1. Ўқитувчилар ёдлаган нарсаларимни эмас, балки тушунган нарсаларни текширишади ва баҳолашади.
2. Фан дастуридаги баҳолаш методикаси фаннинг моҳиятини чуқур тушунишни талаб этади.

Б12. Таълим оловчилар жамоаси:

1. Мен ўзимни таълим олишга бел боғлаган талабалар жамоасининг бир қисми каби ҳис қиламан.
2. Мен академик қизиқишларимни бошқа талабалар билан ўртоқлашиш имкониятига эга бўлдим.
3. Мен ғояларни ишонч билан тадқиқ этишни ўргандим.
4. Фан дастурларида менинг таклифларим ва ғояларим қадрланишини ҳис қиламан.
5. Мен ўзимни университет илмий жамоасининг аъзоси каби ҳис қиламан.

Б13. Интеллектуал рағбатлантириш:

1. Фан дастурлари бизни илҳомлантирадиган қилиб тузилган.
2. Фан дастури соҳага оид қизиқишимни оширди.
3. Фан дастури мени яна кўпроқ ўқиб ўрганишга рағбатлантирди.

Б14. Тадбиркорлик имкониятлари:

1. Агар ўз бизнесимни бошлашга қизиқиш уйғонса, муассасада қаердан ёрдам олишим мумкинлигини биламан.
2. Менинг олий таълимдаги тажрибам келажакда ўз бизнесимни юритиш учун керакли кўникмаларни шакллантиришимда ёрдам берди.
3. Олий таълимдаги тажрибам сабабли келажакда ўз бизнесимни юритиш имкониятларим ошди.

Б15. Кўникмалар ва уларнинг қўлланувчанлиги:

1. Олий таълимдаги тажрибам менга келажакдаги карьерамни режалаштиришга ёрдам берди.
2. Муассаса мени карьерамда кейинги қадамни қўйишга тайёрловчи манбалар ва машғулотларни тақдим этди.
3. Олий таълимда ўзлаштирган кўникмаларимнинг карьерамда фойдаси тегади.

Б16. Экологик барқарорлик:

1. Муассаса экология учун фойдали амалиётларни рағбатлантиради.
2. Фан дастури экологик барқарорлик ҳақида фикрлашга ундайдиган қилиб тузилган.
3. Менда экологик барқарорликни қувватлайдиган машғулотларда қатнашиш имкониятлари бўлди.

Б17. Талабалар хавфсизлиги:

1. Мен университетда ўзимни хавфсиз ҳис қиламан.
2. Университет менинг хавфсизлигим учун жавобгарликни ўз зиммасига олган.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Benton D. Five myths about the NSS. <https://www.officeforstudents.org.uk/news-blog-and-events/blog/five-myths-about-the-nss/>.
2. Bishop D. NSS and teaching excellence: the wrong measure, wrongly analysed. <https://www.timeshighereducation.com/blog/nss-and-teaching-excellence-wrong-measure-wrongly-analysed>.
3. Bols A. The National Student Survey — a tool for enhancing provision or driving down standards? <https://guildhe.ac.uk/the-national-student-survey-a-tool-for-enhancing-provision-or-driving-down-standards/>.
4. Douglas J.A., Douglas A., McClelland R.J., Davies J. Understanding student satisfaction and dissatisfaction: An interpretive study in the UK higher education context // *Studies in Higher Education*, 40, 2015. -P.329—349.
5. Gibbons S., Neumayer E., Perkins R. Student satisfaction, league tables, and university applications: Evidence from Britain // *Economics of Education Review*, 48, 2015. —P.148—164.
6. Gibbons S. The effect of NSS scores and league tables on student demand and university application rates is relatively small. <https://blogs.lse.ac.uk/-impactofsocialsciences/2015/11/10/student-satisfaction-league-tables-and-university-applications/>.
7. Harvey L. Scrap that student survey now // *Times Higher Educational Supplement (THES)*. <https://www.timeshighereducation.com/news/scrap-that-student-survey-now/185492.article>.
8. Harvey L. Getting student satisfaction. <https://www.theguardian.com/education/2001/nov/27/students>.
9. Hazelkorn E., Coates H., McCormick A.C. (Eds.) *Research Handbook on Quality, Performance and Accountability in Higher Education*. —Cheltenham: Edward Elgar Publishing, UK, 2018.
10. Hubble S. The Teaching Excellence Framework for higher education (TEF). <https://commonslibrary.parliament.uk/research-briefings/cbp-7848/>.
11. Kandiko Howson C, Matos F. Student Surveys: Measuring the Relationship between Satisfaction and Engagement // *Education Sciences*, 11(6), 2021. <https://www.mdpi.com/2227-7102/11/6/297/htm>.
12. Kandiko Howson C. Where is the debate about the future of the National Student Survey? <https://wonkhe.com/blogs/where-is-the-debate-about-the-future-of-the-national-student-survey/>.
13. Klemenčič M., Chirikov I. How do we know how students experience higher education? On the use of student surveys. In *The European Higher Education Area*. — Cham: Springer, Switzerland, 2015.

14. Kuh G.D. Assessing what really matters to student learning: Inside the National Survey of Student Engagement. *Change*, 33, 2001. —P.10—17.

15. Land R., Gordon G. (Eds.) *Enhancing Quality in Higher Education: International Perspectives*. -London: Routledge, UK, 2013.

16. Lenton P. Determining student satisfaction: An economic analysis of the National Student Survey // *Economics of Education Review*, Vol.47, 2015. —P.118-127.

17. Richardson J.T., Slater J.B. Wilson J. The national student survey: Development, findings and implications // *Studies in Higher Education*, 32, 2007. —P. 557—580.

18. Saunders D.B. Exploring a Customer Orientation: Free-Market Logic and College Students // *The Review of Higher Education*, 37, 2014, -P.197—219.

19. Tight M. Students: Customers, Clients or Pawns? // *Higher Education Policy*, 26, 2013. —P.291—307.

20. The National Student Survey: Consistency, controversy and change. <https://www.officeforstudents.org.uk/publications/the-national-student-survey-consistency-controversy-and-change/>.

21. UK Engagement Survey 2022. <https://www.advance-he.ac.uk/knowledge-hub/uk-engagement-survey-2022>.

22. Williams J., Cappuccini-Ansfield G. Fitness for Purpose? National and Institutional Approaches to Publicising the Student Voice // *Quality in Higher Education*, 11(2), 2007. —P.159-172.

23. Wong W., Chapman E. Student satisfaction and interaction in higher education // *Higher Education*, 85, 2023. P.957—978.

24. Rita D., Karma L. Student Satisfaction in Higher Education: A comparative study of a Public and a Private college. https://www.researchgate.net/publication/322735609_Student_Satisfaction_in_Higher_Education_A_comparative_study_of_a_Public_and_a_Private_college 2017.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Умуммиллий талабалар сўрови (NATIONAL STUDENT SURVEY — NSS): мазмун ва ўтказилиш тартиби.....	4
NSSга нисбатан танқидий ёндашувлар: мижознинг қониқиши таълим сифатининг ягона ўлчови эмас	12
NSS сўров анкетаси.....	18
Амалиётга доир саволлар.....	19
Маркетинг саволлари.....	20
Ихтиёрий саволлар тўплами.....	20
Фойдаланилган адабиётлар	24

Услубий нашр

УМУММИЛЛИЙ ТАЛАБАЛАР СЎРОВИ —
ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ
(БҮЮК БРИТАНИЯ ТАЖРИБАСИ МИСОЛИДА)

Методик қўлланма

Муҳаррир:
Ҳ. Закирова

Техник муҳаррир:
Ш. Бекназаров

Бадий муҳаррир:
З. Шоимов

Мусахҳиҳа:
Д. Бекназарова

Дизайнер:
Ф. Қўзиёв



Наш.лиц. Тасдиқнома: 050532, 27.11.2022 й.
Теришга 01.11.2023 йилда берилди. Босишга 04.12.2023 йилда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32. Офсет босма. "Pragmatica" гарнитураси.
Шартли б.т. 2.64. Нашр б.т. 2.0.
Адади 500 нусха. Буюртма № OV-04.
Баҳоси шартнома асосида.
"Yetakchi nashriyoti", 100190, Тошкент шаҳри,
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
e-mail: yetakchi_nash@mail.
"Mehr-nuri nashriyoti" УК босмахонасида чоп этилди.
Олмазор тумани, Бешқўрғон, 2-мавзеси, 9-уй 87-хонадон.
Телефон: +99890 394-10-65

Умуммиллий

талабалар сўрови –

**таълим сифатини оширишнинг
муҳим омили (Буюк Британия
тажрибаси мисолида)**



ISBN 978-9910-9632-4-7



9 789910 963247